



**МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА ДИН ВА ДАВЛАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВА ЭКСТРЕМИСТИК ТУЗИЛМАЛАР
ШАКЛЛАНИШИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ**

Ўктамжонов Фаррух Уктамжонович

Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг

биринчи ўринбосари

E-mail: farruxoktamjonovich@gmail.com

Дин қадимий ва мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмидир. Шу сабабли ҳар қандай давлатдан динга нисбатан аниқ бир муносабат билдириш талаб қилинади. Демак, дунёвий давлат ўз сиёсатини динга муносабатини аниқлаш орқали ҳам намоён қилади. Бошқача айтганда, дунёвий давлат билан динлар ўртасидаги муносабат мазкур давлат тизими мафкурасининг маълум даражасидаги моҳиятини ҳам белгилайди. Агарда дунёвий давлатда диний эътиқод, маросим ва анъаналарга шароит яратилса, шу мамлакатнинг маънавий-маърифий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Акс ҳолда шўролар даврида бўлгандек, дин ва давлат ўртасида зиддият вужудга келиб, улар бир-бирини ривожига тўсқинлик қилади. Масалан, ўша даврда динсизлик тарғиб қилиниб, Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар сингари исломнинг муқаддас китоблари таъкиб остига олиниб мадраса, масжидлар йўқ қилинди. 1911 йилда Тошкентнинг ўзида 349 та масжид ва 26 мадраса мавжуд бўлса, 1990 йилга келиб 10 та масжид қолган эди холос. Республика бўйича жами 80 та масжид номигагина рўйхатда турар, уларнинг ҳам тўлиқ ишлашларига имкон берилмас эди.

Қашқадарё вилоятида 2 тагина масжидга рухсат берилган, Бухоро Мир Араб мадрасасида санокли талабалар ўқитилар эди.

Ўша даврда диний байрам (ҳайит)лар таъқиқланганидан миллий маънавият ва маданиятимиз зарар кўрди, турли норозиликларга олиб келди. Бундай диний эътиқодларнинг чекланиши аста-секин бошқа ижтимоий иллатлар билан қўшилиб, ўша жамиятнинг емирилишига ҳам сабаб бўлди.



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th October, 2025

Дин ва дунёвий давлат муносабатлари тўғрисида фикр юритилганда дунёда 3 хил давлат тури борлигини кўришимиз мумкин:

1. Дин асосий ғоя ва мафкура деб эътироф этиладиган давлатлар. (Эрон, Покистон, Саудия Арабистони кабилар).
2. Айрим динларга устувор мавқе берадиган давлатлар, масалан, ислом динини устувор деб билувчи араб ёки мусулмон давлатлар Миср, Индонезия ва бошқалар, ёки Германияда ҳам христиан динининг протестантизм йўналиши устувор деб ҳисобланади.
3. Давлат тизими секуляристик (дунёвийлик устун бўлган давлат) бўлиб, унга бирон бир динга устуворлик ҳуқуқи берилмайдиган давлатлар киради. Масалан: АҚШ, Франция, Ўзбекистон.

Ўзбекистон давлати дунёвийлик асосида шаклланган ва барча динлар тенг ҳисобланиб, диний бағрикенглик ривожланган. Ҳамма динларга ҳурмат билан қаралади. Шунга қарамасдан, аҳолисини 92% и мусулмонлиги сабабли ислом динига алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистонда дин ва давлат муносабати, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолият юритиши бўйича ҳуқуқий асос яратилган¹.

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатларининг асосий тамойиллари:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- маънавий тикланиш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш зарурати;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймасликни эътироф этиш.

¹ Якубов, Х., & Рахмонжонов, Х. (2022). Diniy ekstremizm va terrorizm tahdidi. Общество и инновации, 3(2/S), 246-251.



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th October, 2025

2017 йилнинг 15 июнь куни Президентимиз диний соҳа вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирокида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзусида ўтказилган анжуманда бугунги мураккаб замонда аҳолимизни, айниқса ёшларимизни турли ёт гояларнинг таъсиридан асраш, жамиятда диний ва миллий бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, бу борадаги ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўз тавсияларини берди.

Шу нуқтаи-назардан, Муҳтарам Президентимиз 2017 йилнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этиши, шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканига эътибор қаратдилар.

Давлатимиз Раҳбарининг икки умумбашарий аҳамиятга эга, яъни ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат - БМТнинг "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция"сини ишлаб чиқиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги таклифлари барча мамлакатлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Христиан ва яҳудий динларига мансуб фуқароларимиз Россия, Исроил, Греция каби мамлакатларда жойлашган муқаддас қадамжоларга зиёратга бориб келдилар.

Марказий Осиёда диний экстремистик тузилмалар шаклланишининг ретроспектив таҳлили²

Ислом дини кириб келган даврда Марказий Осиё ҳудудида яшовчи фуқаролар томонидан суннийликнинг ханафийлик мазҳаби таълимотлари қабул қилинган. Йиллар давомида у минтақа халқлари урф-одатлари ва анъаналарини ва яшаш тарзини белгилаб берди. Ислом дини Марказий Осиё мамлакатларида кўплаб фанларнинг ривожланишига, бу ҳудуддан буюк

² Якубов, Х., & Рахмонжонов, Х. (2022). Угроза религиозного экстремизма и терроризма. Общество и инновации, 3(2/S), 246-251.



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th October, 2025

инсонлар етишиб чиқишига улкан ҳисса қўшди. Бунга ўрта асрларда минтақада юзага келган юксак цивилизацияни, бутун дунё олимлари томонидан ислом уйғониш даври деб таъкидланади, чунки, мазкур даврда нафақат ислом дини ривожига балки, араб тилининг шаклланишида буюк фикхшунос, ҳадисшунос алломалар (Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Бурхониддин Марғилоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий) етишиб чиқди.

Машхур исломшуносларнинг фикрига кўра, диний экстремистик тузилмаларнинг Марказий Осиё давлатларига кириб келиши хориждаги шу руҳдаги марказлар, хусусан, араб давлатларидаги экстремистларнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкиллаштирилган.

Марказий Осиё минтақаси ўз тарихида ислом ривожига ҳеч қандай ақидапарастлик ва жангарилик унсурларини олиб кирмаган. Аксинча, минтақада ислом дини ёйилган вақтдан то бугунги кунгача инсонпарварлик ва бағрикенглик анъанаси устувор бўлиб келмоқда. Ўрта асрларда Араб Шарқида айрим суфий бирлашмалари жангариликни намоён қилган ҳамда инквизиция ва жазолаш тузилмалари вазифаларини бажарган вақтда ҳам Марказий Осиё суфийлигида инсонга муҳаббат ва бағрикенглик тарғиб қилинар эди.

Айни пайтда, барча даврларда у ёки бу этник гуруҳга мансублик боғловчи (бирлаштирувчи) омил сифатида муайян вазифани бажаргани учун ҳам Марказий Осиёда қарор топган ислом дини миллийликдан холи эмаслигини намоён этганини таъкидлаш зарур. Хусусан, экстремизмнинг минтақада намоён бўлиши юзасидан Россиялик исломшунос олимлар ва мамлакатимиздаги мутахассислар томонидан берилган манбааларга кўра, Марказий Осиё минтақасида XX асрнинг 70 охири ва 80 йиллар бошларида хорижий экстремистик марказлар саъй-ҳаракатлари билан шакллана бошлаган. Минтақада хориждан келаётган молиявий ёрдам ҳисобига жангари сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган гуруҳлар пайдо бўлган. Ўз ўрнида диний экстремистик ғояларнинг Марказий Осиёга кириб келиш даврини бир неча босқичларга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.



I босқич (1970-1985 йиллар). Узоқ давом этган атеистик сиёсатнинг натижаси бўлган танқидий (*кескин*) муносабатларнинг йиғилиб қолиши, аҳоли ўртасида динга бўлган эътиқоднинг сусайиши, кўплаб мусулмонларнинг диннинг асосий талабларидан (*беш вақт намоз ўқиш, рўза тутуш, закот ва ҳаж*) узоқлашуви, айрим уламолар ушбу ҳолатларни исломга нисбатан қилинган тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳоладилар. Ҳаттоки, атеистик давлат сиёсатини юргизиш шароитида ҳам юқоридаги каби гуноҳ (*куфр*) саналган ҳолатлар билан чекланган кураш олиб боришнигина эмас, балки исломий жамият тузиш орқали муаммоларнинг сиёсий ечимини ҳал қилиш мумкин, деган хулосага кела бошладилар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида ислом давлатини барпо этиш мақсадларига қаратилган бўлиб, жамиятни исломийлаштириш саъй-ҳаракатларини талаб этарди. Бу хатти-ҳаракатларга:

- ўз ортидан халқ оммасини эргаштира билиш иқтидорига эга бўлган ғоявий раҳнамоларни тайёрлаш;
- чет эл диний марказларининг бевосита таъсири ва иштирокида (энг аввало Фарғона водийсида) яширин диний ўқув тизимини шакллантириш киради.

Бунда Ўзбекистон олий ўқув юртларига араб мамлакатларидан ташриф буюрган талаба ва аспирантларнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳам режалаштирилди. Яширин диний мактабларда (*хужра*) ёшларга диннинг жамиятга таъсирини кучайтириш, теократик давлатни барпо этиш ҳақидаги ғоялар сингдирилди.

Бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, асосан ёшлар оммасидан иборат бўлган эътиқод қилувчиларнинг чет эллардаги ўз маслак- дошлари билан алоқа қилишлари ниҳоятда чеклаб қўйилган эди. Фақат ушбу босқичнинг якунига келибгина ёшлар орасидан чикқан маҳаллий мусулмонлар билан уларнинг чет эллик диндошлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлана борди. Диндорларнинг асосий қисмини Ўзбекистонга таҳсил олиш учун келган “мусулмон биродарлар” - талабалар ва ёш олимлар ташкил этди.

Юқоридаги жараённи бир вақтнинг ўзида, собиқ Совет Иттифоқининг мусулмон халқлари яшайдиган ҳудудларидан хорижий диний ўқув юртларига



юборилаётган ёшларга нисбатан олиб борилган мафкуравий “ишлов”ларда ҳам кузатиш мумкин эди. Ёшларнинг онгига таъсир қилишда Миср, Сурия, Ливия, Судан, Иордания ва бошқа араб мамлакатларидаги салбий кучларнинг таъсири, айниқса, сезиларли бўлди.

Радикал кайфиятдаги диний уламолар орасида асрлар давомида ханафий илоҳиёт-ҳуқуқ мактабларида жорий қилинган ҳолатларга, айниқса, унинг “Ал-Мотурудия” (Ал-Мотурудий - Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ас - Самаркандий, 870-944 йиллар, томонидан асос солинган илоҳиёт мактаби) каби мўътадил шаклига нисбатан норозилик муносабатлари туғила бошлади³.

Жумладан, унинг дунёвий давлатдан диннинг ажратилишини қонунлаштирилган мусулмон жамоаларининг ноисломий давлатда яшаши мумкинлигини қонуний инкор этмагани, айрим шариатгача бўлган даврда шаклланган ва айрим ношаръий урф-одат ҳамда анъаналарнинг мавжуд бўлишига ҳам йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолат деб ҳисоблаганидан норозилик юзага кела бошлади. Юқорида айтилган ва тилга олинмаган мотурудия таълимотидан воз кечиш, узоқлашиш ҳақида айрим уламолар 80-йилларнинг бошларидаёқ очикдан-очик фикрлар айта бошладилар.

Жумладан, вужудга келган шароитда, яъни жамоанинг исломий характериға нисбатан таҳдид туғилган вақтда, “мотурудия” талимотидан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Чунки исломга янгилик ва таҳқирлашни киритишга уринаётган ғайридинлардан тозалашда бу йўл уларни чегаралаб қўйган. Унинг ўрнига эса ибтидоий ислом жамоасига йуналтирилган сохта салафийлик (фундаментализм) қонун-қоидаларини дастуруламал учун асос қилиб олиш таклиф қилинган.

II босқич (1985-1989 йиллар). Қайта қуриш даврида жамиятни демократлаштириши амалга ошириш тўғрисида эълон қилинган шиорлар остида Покистон ва Эрон Ислом Республикалари, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони Подшоҳлиги каби мамлакатлардан экстремистик

³ 870-900 йилларда Ироқ, Яман, Сурия, Миср, Хуросан ва Мовароуннаҳр ҳудудида юзага келган диний-сиёсий экстремистик оқим.



руҳдаги диний адабиётларнинг минтақага кириб келиши, миссионерлик ва диний- тарғибот фаолиятининг фаоллашуви даври⁴.

Чекланган Совет қўшинлари контингентининг, 1989 йилда тугаган “афғон можароси”даги инқирози шуни кўрсатдики, диний шиор ва талаблар билан чиққан кучларга қарши жанг қилишнинг мураккаблиги ва Марказий Осиё минтақасига мўлжал олган диний экстремистик кучлар учун жиддий асос бўлиб хизмат қилди.

III босқич (1989-1993 йиллар). Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши даври. Диний фаолларнинг кўп йиллар ичида биринчи марта очикдан-очик талаблар билан чиқиши бўлиб, улар диний ҳаётга алоқадор масалаларни мустақил ҳолда ечишга интилдилар. Айрим таҳлилчилар бу даврни “Қизил ислом инқилоби” деб ҳам атайдилар.

Бу давр исломнинг очикдан-очик сиёсийлашуви, унинг радикал қанотининг фаоллашуви билан ҳам боғлиқки, Фарғона водийсида, яна ҳам аниқроғи, Наманганда содир бўлган воқеалар фикримизнинг далилидир.

Андижондаги оммавий чиқишлар аввалгисидан бир оз сустроқ бўлсада, бу намоёишларда “худосиз ҳукумат” билан курашга киришиш, Ўзбекистоннинг ушбу ҳудудида конституциядан ташқари ярим ҳарбий ташкилотларни (жумладан, “Адолат уюшмаси”, “Ислом лашкарлари”, “Ёш жиҳодчилар уюшмаси”, “Жиҳодчилар” каби) барпо этиш тўғрисидаги чақириқлар очикдан-очик янгради⁵.

Номлари қайд этилган ташкилотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўрнини эгаллаб, жиноятчиликка қарши курашишни ўз қўлларига олмоқчи бўлган бўлсаларда, аслида жамият ҳаётини шариат қонунлари асосида ташкил қилиб, бу қонунларга итоат этмаганларнинг барчасини жазога тортишни мўлжаллаган эдилар. Айнан шу даврда биринчи марта диний асосдаги сиёсий партия “**Ўзбекистонда ислом тикланиш партияси**”ни барпо қилишга уринишлар содир этилди, Тожикистондаги диний муҳолифатга моддий ва

⁴ Бабаджанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма // Центральная Азия и Кавказ. 1999, № 5. – С. 27-30.

⁵ Каримов А. Ўзбекистонда фаолият юритаётган норасмий оқим ва гуруҳлар.-Т.: Мовароуннахр 2004. – Б.31-32.



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th October, 2025

маънавий ёрдам кўрсатишга, яширин диний мактабларнинг (хужра) кенг тармоғини яратишга ҳаракат қилинди, Ислом давлатини яратиш мақсадида аҳолини босқичма-босқич исломлаштириш ҳаракатларининг 30 дан ортиқ бандни ўз ичига олган дастурини яратиш ва тарқатиш, чет эллардаги ўз маслакдошлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, уларнинг мумкин қадар жипслашувига ҳаракат қилдилар.

Аммо ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг кескин ва аниқ саъй-ҳаракатлари туфайли уларнинг оммавий намоёишлар уюштириш ҳамда куч ишлатиш усуллари билан ўз мақсадларига етишиш йўлидаги уринишлари барбод қилинди.

Реакцион диндорларнинг йўлбошчи ва раҳнамолари мамлакатда теократик тузумни ўрнатиш орқали ундаги вазиятни тез ва қатъият билан бутунлай ўзгартириб юбориш ҳақидаги режалари амалга ошмагач, қонуний ҳокимиятга қарши очикдан-очик курашдан воз кечдилар.

Ўзларининг келажакдаги мақсадларини амалга ошириш учун керак бўладиган шарт-шароит ва заминни ҳозирлашга барча саъй-ҳаракатларни йўналтириб, яшириниш шароитларига ўтиб олдилар.

IV босқич (1993-1999 йиллар). Очикдан-очик диний фаолликнинг йўқлиги, “кучларни тўплаш”, ёшлар ва аёлларга урғу берган ҳолда Ўзбекистон аҳолисини исломлаштиришга уриниш даври ҳисобланади⁶.

Бундай йўналиш узоқни ўйлаб қилинган режаларни ўз ичига олади. Ҳаётий тажрибаси бўлмаган, ғоявий маслага шаклланмаган ёшлар радикал ғояларни қабул қилишга мойилроқдирлар. Айниқса, бу иш бир мақсадни кўзлаган ҳолда бажарилса, ёшларга “сен бу ташкилотга киришинг билан ёки мана бу ишни бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!” - деган фикр билан ишонтирилса, улар янада тезроқ эргашадилар. Диндорлар 1994 йилдан бошлаб, аёлларнинг ўзбек оиласи ва болалар тарбиясидаги мавқеини чуқур англаган ҳолда Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ушбу тоифа шахслар

⁶Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари .-Т.: ТИУ.2016- Б.112.



орасида тарғибот ишларини фаоллаштириб юбордилар. Бу ишларни амалга ошириш учун аёллар хужралари, мадрасаларини ташкил этиб, аёллардан кўплаб мураббий - отинойиларни ҳам етиштирдилар.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари тез орада ўз маҳсулини бера бошлади: қизларда умум мажбурий ўрта мактабларга боришдан, бадий адабиётлар ва матбуот нашрларини ўқишдан, телекўрсатувларни тамоша қилиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этишдан бош тортиш ҳолатлари учрай бошлади. Диний либосларни кийиб юришга мойиллик ва шу каби ҳодисалар кузатилди.

Айнан шу даврда қатор чет давлатларда тузилаётган “жанговар авангард” сафлари учун Ўзбекистон ёшларини жалб қилиш бошланди. Халқаро террорчилик тузилмалари билан алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, диний ташкилотларни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларни, шу жумладан, чет эллардаги клерикал марказларни аниқлаш, ўз маслақдошларини давлат муассасаларига киритишга уриниш каби ҳолатлар бу даврга хос хусусиятдир. **V босқич** (2001 йилдан ҳозиргача). Бундан аввалги босқичда олиб борилган ишларнинг натижаси бўлган кўпурувчилик-террорчилик фаолият шаклларига ўтиш даври. Бунинг исботи сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) “Ҳизб ут - таҳрир” ДЭТ томонидан радикал диний ғояларни ўз ичига олган варақаларни оммавий равишда тарқатилиши ва ҳаракатларни фаоллаштиришга қаратилган чақириқлар.
- 2) 1999 йил 16 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентига қарши уюштирилган террорчилик ҳаракатлари. Ушбу кўпурувчилик ҳаракатларининг барчаси танланган объектларнинг аниқлиги билан ҳам алоҳида фарқланади.
- 3) Жумладан, ижроия ҳокимият биноси, яъни Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликларнинг маъмурий биноси, Ўзбекистон Миллий банки биноси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, ДХХ бошқармаларининг бирини биноси.
- 4) 1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг “Саримой” блок постида (ислом динини қабул қилган корейс миллатига мансуб Сергей-Абдуллоҳ раҳбарлигида) террорчилик гуруҳи томонидан гаровга олинган “Тошкент - Урганч” йўналишидаги автобус ичидаги 28 нафар фуқаролар.



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th October, 2025

- 5) 2000 йилда Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли худудлари орқали республикамиз худудига Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан кириб келган қўпоровчилик гуруҳларининг ҳаракатлари;
- 6) 2004 йил 28-31 март ва 30 июль кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик хуружлари;
- 7) 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида “Акримийлар” диний экстремистик ташкилотининг жанговар гуруҳлари томонидан вилоят ҳокимияти, ҳуқуқ - тартибот идоралари ҳамда муҳофаа вазирлиги объектларини эгаллашга қаратилган очикдан - очик террорчилик ҳамдалари ҳамда ўз хизмат вазифасини бажарувчи ҳуқуқ - тартибот идоралари ходимларини гаровга олиш ва қийноқларга солиб, қатл қилиш;
- 8) 2009 йил 25-26 май кунлари Андижон вилоятининг Хонобод ва Андижон шаҳарларида “Ислоний жиҳод иттиҳоди” террорчилик гуруҳи томонидан Хонобод шаҳар ИИБни эгаллаш мақсадида уюштирилган қуролли ҳужум ва Андижон шаҳрида 2 нафар “террорчи”ларни ўзини-ўзи портлатиш йўли билан содир этган террорчилик хуружлари;
- 9) 2009 йил июль - сентябрь ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўзларини “Ислон жиҳодчилари” деб номлаган диний экстремистик гуруҳ томонидан диний идора ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини жисмоний йўқ қилиш йўли билан содир этилган қўпоровчилик ҳаракатлари.